

САГДУЛЛАЕВА Дилфуза Каримуллаевна
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси доценти в.б.,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)
E-mail: dilfuzasagdullaeva@gmail.com.

БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ ЖАҲОН ИНСОНПАРВАРЛИК ДАСТУРИ СИФАТИДА

НАСЛЕДИЕ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ КАК ОСНОВА ВСЕМИРНОЙ ГУМАНИТАРНОЙ ДОКТРИНЫ

THE LEGACY OF GREAT ANCESTORS AS THE FOUNDATION OF THE UNIVERSAL HUMANITARIAN DOCTRINE

Аннотация: Бугунги глобаллашув даврида турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги ўзаро тушунишга эришиш, экстремизм ҳамда мутаассиблик иллатларига қарши туриш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг буюк аجدодлари – Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридийнинг илмий ҳамда маънавий мероси ана шундай мураккаб шароитда инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг универсал дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур мақола алломалар меросининг моҳияти, унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) минбарида тақдим этилишидан кўзланган мақсади ва замонавий глобал муаммоларга ечим сифатидаги ўрнининг таҳлиliga бағишланган.

Калит сўзлар: глобаллашув, геосиёсий ҳавотирлар, Ислом дини моҳияти, БМТ, ўзаро тушуниш, буюк алломалар мероси, универсал дастур

Аннотация: В современную эпоху глобализации достижение взаимопонимания между различными культурами и цивилизациями, а также противостояние таким порокам, как экстремизм и фанатизм (мутаассиблик), приобретают как никогда важное значение. Научное и духовное наследие великих предков Узбекистана – Имама аль-Бухари, Имама ат-Термизи и Имама аль-Матуриди – в таких сложных условиях служит универсальной программой гуманизма и толерантности. Данная статья посвящена анализу сути наследия этих учёных, цели его представления с трибуны Организации Объединённых Наций (ООН) и его

роли в качестве решения современных глобальных проблем.

Ключевые слова: глобализация, геополитические угрозы, суть религии Ислам, ООН, взаимопонимание, наследие великих мыслителей, универсальная доктрина.

Annotation: In the contemporary era of globalisation, the cultivation of mutual understanding between diverse cultures and civilisations, in addition to the countering of the vices of extremism and fanaticism, has become increasingly paramount. The scientific and spiritual legacy of Uzbekistan's great ancestors – Imam al-Bukhari, Imam al-Tirmidhi, and Imam al-Maturidi – serves, in such complex circumstances, as a universal programme of humanism and tolerance. The present article is dedicated to the analysis of the essence of these scholars' heritage, the goal behind its presentation at the United Nations (UN) and its role as a solution to contemporary global problems.

Key words: globalization; geopolitical threats; the essence of Islam; the United Nations; mutual understanding; the legacy of great thinkers; and universal doctrines.

КИРИШ

Замонавий глобаллашув даврида дунё халқаро институтларининг ўрни заифлашиб, геосиёсий ҳавотир, қарама-қаршилик ва низолар кучайиб бормоқда. Бундай мураккаб шароитда Ислом динининг асл моҳиятини, яъни маърифий, тинчликпарвар ва инсонпарварлик ғояларини халқаро майдонда тарғиб қилиш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айнан ушбу маънавий заруратдан келиб чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси (2025 йил сентябрь) минбарида халқаро ҳамжамият эътиборини Ўрта Осиёдан етишиб чиққан буюк алломалар меросига қаратиш бўйича муҳим маърифий ташаббусларни илгари сурди [1]. Президент нутқида қайд этилган глобал ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ғояларининг маънавий негизи – Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридийнинг бой илмий меросига бориб тақалади.

Ўрта Осиё ислом цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган бу алломаларнинг фундаментал асарлари нафақат диний илмларни тартибга солиш, балки уларнинг чуқур инсонпарварлик моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Ушбу мероснинг умумий

киймати илмга интилиш, мутаассибликни рад этиш ва инсоний қадриятларни улуғлашдан иборат бўлиб, у БМТнинг “Тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” йўлидаги саъй-ҳаракатларига тўла мос келадиган универсал дастур вазифасини ўтайди [6]. Жумладан, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳлик ва ҳолислик” методологияси манбаларни танқидий таҳлил қилиш зарурлигини уқтирса, Имом Мотуридийнинг мўътадил ақидаси ақл ва мантикни улуғлаб, ёшлар онгини радикал ғоялар таъсиридан ҳимоя қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Буюк аждодлар мероси ислом цивилизацияси тарихида мисли кўрилмаган илмий-методологик инқилоб яратиш билан бирга, инсонпарварлик моҳиятини ҳам мустаҳкамлади. Уларнинг ижоди нафақат диний билимлар тизимини қатъий қоидалар асосида тартибга солди, балки диннинг асл маърифий асосларини ахлоқий-ҳуқуқий вазифа сифатида белгилаб берди. Айнан шу фундаментал маънавий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг уч буюк аллома меросини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) минбарида алоҳида тақдим этиш ташаббуси кенг қамровли стратегик мақсадларга эга бўлиб, ҳозирги мураккаб глобал шароитда маданий ва инсон дипломатиясининг муҳим ва ажралмас элементи сифатида хизмат қилади.

Тақдимотнинг бош мақсади – Ислом динининг асл моҳиятини, яъни унинг тинчликпарвар, маърифий ва бунёдкорлик ғояларини бутун дунё ҳамжамиятига фундаментал асослар ёрдамида етказишдан иборат. Бу ташаббус, айниқса, Исломни терроризм ва радикализм билан тенглаштиришга уринишлар кузатилаётган бир даврда, ғоявий ва маънавий ҳимоя механизми вазифасини ўтайди. Алломалар мероси орқали Исломдаги илм-фанга асосланган ва инсонпарварликка йўғрилган йўналишни замон талабига мослаштириш масаласи кўзда тутилади. Бу орқали радикал талқинларга қарши мўътадил ва ақлий муқобил қараш жорий этилади. БМТ минбаридаги алломалар меросига оид тақдимот динлараро ва цивилизациялараро мулоқот қамровини ошириш, динлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро муроса маданиятини юксалтириш орқали тинчликка эришиш ва барқарор ривожланиш учун маънавий замин ҳозирлади.

Ушбу ноёб маънавий мероснинг умумий қиймати бир нечта асосий тамойиллар орқали инсониятга хизмат қилади. Буюк аждодларимиз таълимотида илмга интилиш ҳар қандай жаҳолатга қарши курашда бош мезон этиб белгиланганлиги ҳамда ақл ва мантикни қўллаган ҳолда турли шаклдаги мутаассибликни қатъий рад этиш ғояси илгари сурилади. Шунингдек, мазкур маънавий мерос жамиятда адолат, меҳр-шафқат ва ҳамжиҳатлик каби инсоний қадриятларнинг олий даражага кўтариш ғояларини илгари суради. Бу тамойиллар ўз моҳиятига кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” каби асосий низомларида белгиланган глобал мақсадларга тўлиқ мос келади ва уларни чуқур маънавий-ахлоқий асос билан бойитади. Шу сабабли бу мерос замонавий хавф-хатарларга тўла бўлган геосиёсий низолар ва маънавий инқирозлар шароитида умумий маърифий дастур ва барқарор ривожланишнинг ажралмас бўлаги сифатида хизмат қилиш имкониятига эга.

Бу каби фундаментал тамойилларнинг тасдиғи ва амалий татбиғини, аввало, ҳадис илмининг етук намояндаси – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ижодида кўриш мумкин. У ҳақли равишда ҳадис илмининг султони сифатида эътироф этилиб, унинг “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асари ислом оламида Қуръондан кейинги энг мўътабар манба эканлиги ҳеч кимга сир эмас [4, 8]. Имом Бухорийнинг ҳаққонийлик, ҳолислик ва илмий аниқликни ўзида мужассам этган илмий ёндашуви мусулмонлар учун нафақат диний-амалий йўриқнома вазифасини ўтайди, балки замонавий ахборот саводхонлиги ва танқидий тафаккурни ривожлантириш учун ҳам универсал намуна бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, аллома Пайғамбар (с.а.в.)нинг: “مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعِدًّا فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ” – Ким менга қасддан ёлгон тўқиса (ёлгон гапни менга нисбат берса), дўзахдан ўз ўрнига жой тайёрласин” [8; 190] мазмунидаги ҳадисига амал қилиш орқали ҳаққонийлик тамойилини устувор вазифа сифатида белгилайди. Мазкур вазифа инсонийликни ҳимоя қилиш, жамиятга ёлгон маълумотлар тарқалишининг олдини олиш ва охир-оқибат маърифат асосидаги тинчликни таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” тўплами ижтимоий ва шахслараро алоқаларни

тартибга солувчи инсонийлик, меҳр-шафқат ва ўзаро алоқаларнинг маънавий асосларини мустаҳкамлайди.

Бу ҳадислар жамият ўртасида ҳалоллик, адолат ва эмпатия тамойилларини тарғиб қилувчи ахлоқий кодекс вазифасини ўтайди. Жумладан, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик тамойили Пайғамбар (с.а.в.)нинг қуйидаги “الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ” كَالْبُنْيَانِ، يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا – Мўмин мўмин учун худди бир-бирини ушлаб турувчи бино кабидир”[8; 2676] сўзларида ёрқин акс этган бўлиб, унда жамиятнинг ажралмас ва ўзаро боғлиқ тизим эканлигини таъкидланиб, ижтимоий масъулият ва ўзаро қўллаб-қувватлаш зарурияти назарий жиҳатдан асосланган.

Шунингдек, меҳр-шафқатнинг асосий инсоний кадрият эканлигини тасдиқлаб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг: “مَنْ لَا يَرْحَمِ النَّاسَ لَا يَرْحَمُهُ اللَّهُ – Ким одамларга раҳм қилмаса, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди” [8; 3266] мазмунидаги ҳадисининг келтирилиши Имом Бухорий меросини тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш учун глобал аҳамиятга эга маънавий-ахлоқий манба эканини далиллайди.

Имом Термизийнинг “Сунан ат-Термизий” асари адолат ва бағрикенглик ғояларини тизимлаштириш ва ҳуқуқий жиҳатдан асослашда аҳамияти бекиёс бўлиб, ихтилофли масалаларда ечим топиш имконияти билан асосланади [5, 7]. Бу ёндашув алломанинг инсонпарварлик тамойили ҳисобланган мурса ва бағрикенглик мактабига мансублигидан далолат беради [7].

Ислом маърифатининг яна бир буюк сиймоси – Имом Мотуридий калом илмининг йирик вакили ва Мотуридий ақидавий мазҳабининг асосчиси сифатида Шарқ мусулмонлари дунёқарашида ҳал қилувчи ўрин тутди [2; 20]. Унинг асосий асари “Таъвилот аҳл ас-сунна” бўлиб, бу асар унинг ақл ва нақл мувозанатига қатъий эътибор қаратганлигини намоёиш этади [3; 80].

Имом Мотуридий таълимотининг фундаментал аҳамияти унинг мўътадиллик, бағрикенглик ва тафаккурга чорлаш каби ғояларга асосланганидир. Бу ёндашув инсонни фикрлаш, мустақил таҳлил қилишга ундаш орқали динни радикал ва мутаассиб қарашлардан ҳимоя қилиб, уни барча замон ва маконларга мос келадиган интеллектуал ва маърифий дастур сифатида намоён этди [2; 20]. Мотуридий фалсафасига кўра, инсон ўз ақли билан яхши ва ёмонни англашга қодир. Бу

эса шахсий масъулият ва адолатли ижтимоий тузилма учун назарий асос вазифасини ўтайди. Шу тариқа, унинг мероси глобал ҳамжиҳатлик ва очиқ мулоқот тамойилларининг фалсафий-ақидавий негизи бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўрта Осиёнинг уч буюк алломаси – Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий мероси замонавий глобал хавф-хатарлар шароитида тинчлик ва тараққиётни тарғиб этувчи илмий-методологик дастур сифатида намоён бўлади. Айнан шу ноёб маърифий салоҳият ва инсонпарварлик моҳиятига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ минбарида илгари сурилган ташаббус Ўзбекистоннинг очиклик ва ислохотчилик сиёсатининг маънавий негизларини акс эттириб, мамлакатни нафақат сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган давлат сифатида, балки буюк маърифий марказ ва Ислом цивилизациясининг қадимий бешиги сифатида таништиришга имкон яратди.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи. 23.09.2025 // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
2. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Тошкент, 2000. – Б. 20.
3. Содиков Ж. “Таъвилот аҳл ас-сунна”да келтирилган ноисломий дин ва эътиқодларга оид маълумотлар таҳлили // “Мотуридийлик” маънавий-маърифий, илмий адабий журнали. № 4. – Тошкент, 2023. – Б. 80.
4. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг Ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий). Тар. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 170 б.
5. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/din> Уватов У. Имом ат-Термизий — буюк муҳаддис // Гулистон журнали, 1990.
6. <https://www.un.org/en/about-us/un-charter/full-text> United Nations (UN). Charter of the United Nations. – San Francisco, June 26, 1945. (Official Document).
1. سنن الترميزي وهو الجامع الكبير. للإمام الحافظ أبي عيسى محمد بن عيسى الترمذي. المجلد الثاني. – بيروت، 4102. – ص 062.
2. صحيح البخاري. الإمام الحافظ الحجة أمير المؤمنين في الحديث أبي عبدالله محمد بن إسماعيل بن إبراهيم الجعفي البخاري. – المدينة المنورة، 6102.